

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

16 **Узлуксиз таълим тизими учун яратилган янги ўқув адабиётлари ва бошқа ўқув воситаларини нашр этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 986-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 4 сентябрда ва 2000 йил 20 сентябрда 103-сон билан тасдиқланган Узлуксиз таълим тизими учун яратилган янги ўқув адабиётлари ва бошқа ўқув воситаларини нашр этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 986, 2000 йил 27 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 22-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат статистика кўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги бош директори**

А. ЮНУСОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 31 декабрь,
17-м/х-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 31 декабрь,
90-сон

Келишилган:

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

2014 йил 29 декабрь

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2014 йил 25 декабрь

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

А. ВАҲОБОВ

2014 йил 23 декабрь

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. ТЎРАЕВ

2014 йил 19 декабрь